

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 12 март, № 52 (8675) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ТАБРИК

Қадрли ватандошлар!

Бутун Ер юзидаги ислом уммати билан бирга жонажон Ўзбекистонимизнинг барча мўмин-мусулмонлари ҳам қутлуғ ва муборак Рамазон ойини хурсандчилик билан кутиб олдилар.

Дунё мусулмонлари учун энг азиз ва қадрли бўлган, барча эзгу ниятлар ижобат бўладиган Рамазони шарифнинг кириб келиши билан сиз, азизларни, бутун халқимизни чин юракдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этаман.

Аввало, қалбларимизга иймон нурини бағишлайдиган ушбу улуғ айёмни юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик муҳитида, оиламиз, эл-юртимиз даврасида кутиб олаётганимиз учун Парвардигори оламга чексиз шукроналар айтамиз.

Маънавий покланиш, сабр-қаноат, хайру саховат фазилатлари зиёда бўладиган моҳи Рамазонни миллий анъана ва қадриятларимизга мос, юксак даражада ўтказиш, юртимиз мусулмонларининг ибодат амалларини эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар яратилди.

**“Инсон қадри — улуғ”** деган олижаноб тамойилимиздан келиб чиққан ҳолда, мазкур фазилатли ойда халқимиз манфаатларини таъминлаш, ёш авлодимизни билим-маърифат, яхши хулқ-одоб соҳиблари этиб тарбиялаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятимиз, эл-юртимиз ўртасида меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар, қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган савобли ишларимиз янада зиёда бўлади, деб ишонамиз.

Зеро, ҳадиси шарифларда зикр этилганидек, **бу ойда қилинган биргина яхшилик ўн карра мукофот бўлиб қайтади.**

Минг афсуски, бугун дунёнинг бир қанча минтақаларида нотинчлик, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар содир бўлмоқда, бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилмоқда. Биз бутун халқимиз билан бирга яратган Эгамдан дунёда тинчлик ва осойишталик қарор топишини, гўзал диёримиздаги тинч-осуда ҳаёт бардавом бўлишини чин дилдан сўраб, Қадр кечаларида ихлос билан дуолар қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу шукуҳли лаҳзаларда дунё мўмин-мусулмонларини, дўст ва ҳамкорларимизни муқаддас Рамазон ойи билан самимий қутлаб, уларнинг давлатлари ва халқларига тинчлик-омонлик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Рамазони шариф эл-юртимизга қут-барака, ҳар бир хонадонга шоду хуррамлик, янги ютуқ ва омадлар олиб келсин!

Рамазон ойи яна бир бор барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 март куни Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлатимиз раҳбари Президент Шайх Муҳаммад Ол Наҳаённи таваллуд куни билан дилдан қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, фаолиятида катта муваффақиятлар, дўст Амирликлар халқига тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади.

Икки мамлакат етакчилари бутун мусулмон олами учун муқаддас бўлган муборак Рамазон ойининг бошлангани билан ҳам бир-бирини самимий табрикладилар.

Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик бугунги кунда юксак даражага чиққани катта мамнуният билан қайд этилди.

2023 йил якунига кўра ўзаро савдо ҳажми 20 фоизга ошди. Ўзбекистонда Амирликлар сармояси иштирокида 300 дан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда, қўшма лойиҳалар портфели 4 миллиард доллардан ошди. Бундан ташқари, юқори технологиялар, энергетика, геология, қишлоқ хўжалиги, туризм, IT, инфратузилма, логистика ва бошқа соҳаларда истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Томонлар амалий ҳамкорликни барча йўналишда фаоллаштиришга тайёр эканини тасдиқладилар. Бўлажак олий даражадаги учрашувларнинг кун тартибини пухта тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

**ЎзА.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Руҳий покланиш, яхши амалларни адо этиш, жамиятда мурувват, меҳр-шафқат ва эзгулик каби қадриятларни қарор топтиришга интилишни ўзида мужассам этган, барча мусулмонлар учун муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий мамлакатлар етакчилари, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат ва дин арбобларидан қутловлар келмоқда.*

*Хорижий ҳамкорлар мамлакатимизнинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилакларини изҳор этиб, икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёрлигини тасдиқлаган.*

Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси;**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён;**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум;**

Эрон Ислом Республикаси Президенти **Иброҳим Раисий;**

Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров;**

Ўмон Султони **Ҳайсам бин Торик Ал Саид;**

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II;**

Баҳрайн Подшоҳи **Шайх Ҳамад ибн Исо Ал Халифа;**

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос;**

Ислом ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Ҳусайн Иброҳим Тоҳа;**

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев;**

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Ҳусрав Нозирий;**

“Ал-Азҳар” мажмуаси раҳбари **Шайх Аҳмад Ат-Тоййиб.**

*Қутловлар келишда давом этмоқда.*

## Биз ва жаҳон

Франциядан муносабат:

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАМЛАКАТНИ ТАШҚИ ДУНЁГА ОЧДИ

**Парижда Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш истиқболларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди**

Мамлакатимиз элчихонасида “Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш истиқболларига янгича ёндашув” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Франция Сенати, Европа ва ташқи ишлар вазирлиги, эксперт, академик, маданият ва жамоат доиралари вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси иштирок этди.

Анжуман чоғида 2017 йилдан буён Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти Франция томонига етказилди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари чиқишларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида эришилаётган ютуқларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциясида инсон ҳуқуқлари тўлиқ акс этгани, илғор жаҳон тажрибасига тўла мос келиши таъкидланди. Шунингдек, фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири сифатида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг гендер тенглигини таъминлаш тажрибаси бўйича батафсил тақдимот ўтказилди.

Франция сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари ўз чиқишларида Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, кўп қиррали ўзбек — француз ҳамкорлигининг турли жиҳатларига тўхталдилар.

➔ 2

## Қонунчилик палатаси фракцияларида

# ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАСЪУЛЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ АСОС

*Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор муҳим қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди. Муҳокамаларда асосий эътибор халқчил нормалар, уларнинг аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдаги аҳамиятига қаратилди.*

### Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун муҳим янгилик

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига божхона брокери ва халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб бериш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Бугунги кунда божхона брокерлари фаолияти йўналишида айрим муаммоли ҳолатлар мавжуд. Жумладан, декларациялаш бўйича хизмат кўрсатиш бозорида накд пул олиш орқали “қора брокерлар” ортиб, ушбу фаолият йўналишида “яширин иқтисодиёт” улуши тобора кўпайиб бормоқда. Яъни ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси билан декларацияловчи шахс ўртасида шартнома имзоланмайди ва солиқ органларида ҳисобга олинмайди.

Шунингдек, халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб берувчи тадбиркорлик субъектлари билан ҳам муаммолар бор. Бу эса, ўз навбатида, қисқа муддат фаолият (бир кунлик) юритувчи курьерлик ташкилотлари томонидан олиб келинадиган жўнатмаларни ялпи божхона кўригидан ўтказишни бекор қилиш орқали хавфларни бошқариш тизими асосида соддалаштирилган божхона назоратини амалга ошириш имкониятини чекламоқда.

Натижада ноҳалол курьерлик ташкилотлари билан бир қаторда ҳалол курьерлик ташкилотлари ҳам чуқур божхона назоратидан ўтказиляпти ва бу жўнатмаларни фуқароларга бир кун ичида (тезкорлик билан) етказиб беришга салбий таъсир кўрсатяпти.

Муҳокамада депутатлар қонун лойиҳасининг зарурати ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиб, лойиҳадаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларини саволга тутишди. Хусусан, фракция аъзоси Жавлонбек Эргашев божхона брокери сифатида фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақидаги хабарнома бермаганлик учун жарималар миқдори нега 20 баравар этиб белгиланаётгани сабаби билан қизиқди.

Қонун ташаббускорлари бу саволга изоҳ берар экан, қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасидан ўтганлиги ва айнан уларнинг фикридан келиб чиққан ҳолда 20 баравар қилиб белгиланганини қайд этди.

Йиғилишда, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

➔ 2

# РАМАЗОН — МЕҲР-МУРУВВАТ, ХАЙРУ САХОВАТ ОЙИ

*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.*

*Халқимиз ҳаётида маънавий поклик, меҳр-оқибат, хайру саховат фазилатлари сайқалланадиган муборак Рамазон ойининг аҳамияти беқиёс. Юртдошларимиз ушбу муборак ойни доим катта қувонч ила кутиб олади. Оила ва маҳаллаларда ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ёш авлодни билим-маърифат соҳиблари этиб тарбиялаш, эҳтиёжманд инсонларга ёрдам кўрсатиш каби савобли амалларни ихлос билан адо этишга интилади.*

## Муносабат

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 7 мартдаги “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарори халқимиз учун эзгулик, бирдамлик, олийжаноблик ва шукроналик тимсоли бўлган қутлуғ Рамазон ойини юқори савияда ўтказиш, диний-маърифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлашга қаратилган муҳим чора-тадбирларни белгилаб бергани билан халқимиз руҳиятини янада кўтариб юборди.

➔ 3

# БЕҒУБОР ВА МУСАФФО МУҲИТ УЧУН

*Президентимизнинг 2024 йил 21 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ҳаётимизнинг барча жабҳаси учун долзарб бўлган вазифа ва чора-тадбирларни қамраб олгани билан алоҳида эътиборга молик.*

## Мушоҳада

Аввало, жорий йилда халқимиз кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича тизимли ҳаракатларни давом эттириш, “яшил” иқтисодиёт тамойилларига асосланган юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, экологик ҳолатни яхшилаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан унумли фойдаланиш стандартларини кенг жорий қилиш ҳамда халқ манфаатларига йўналтирилган бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсад қилинганини таъкидлаш зарур. Зеро, сўз юритилаётган Фармон ҳам, давлат дастури ҳам кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилгани боис уларда халқимизнинг манфаатлари янада яққолроқ акс этган.

Маълумотларга кўра, муҳокамалар давомида фуқаролар ва жамоатчилик вакиллари томонидан жами 5,5 мингдан зиёд таклифлар келиб тушган. Биргина Фармон лойиҳаси юзасидан 1,5 мингга яқин, давлат дастури бўйича эса 4 мингдан ортиқ таклифлар билдирилган бўлиб, уларнинг аксарияти инобатга олинган.

Давлат дастурида хавфсизликни таъминлашга, ахборот технологиялари ҳаётимизга жадал кириб келиши натижасида юз бериши мумкин бўлган кибержиноятларнинг олдини олишга, кўчаларда автомашиналар сони ортиши орқасидан экологияга етказилиши мумкин бўлган зарарлар ва йўллардаги тирбандликларни бартараф этиш масалаларига ҳам алоҳида ўрин ажратилган.

➔ 2

# СУРХОН КЕНГЛИКЛАРИДА ЯНГИЛАНИШ НАФАСИ

*Бугун мамлакатимизнинг қай гўшасига, қай манзилига борманг, Ватанни янада обод этиш истагида яшаётган юртдошларимизнинг эзгу ишларига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Ўзбекистонимизнинг бугунги жамоли, кўрки кишини ҳайратга соладиган даражада ўзгариб, гўзаллашиб ва ободонлашиб бормоқда. Ғайрат-шижоатли, тадбиркор ва бунёдкор халқимиз саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларида улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Энг муҳими, янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” деган тамойил барча ислоҳотнинг асосини ташкил этмоқда.*



## Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

### Бугун Сурхондарёни аграр ҳудуд деб бўлмайди

Аёнки, иқтисодий тараққиёт ва маънавий-руҳий ривожланиш уйғунлигида ҳудуд тараққий этади. Сурхондарёнинг ҳам катта иқтисодий салоҳияти билан бирга, мард ва меҳнаткаш халқи борлиги боис яқин йилларда ҳам аграр ҳудуд бўлган вилоят иқтисодиёти йил оша юксалиб бораётир. Аҳолининг даромад манбаи ошаётгани камбағаллик даражасини 13,8 фоиздан 11,2 фоизга камайтирди.

➔ 2-3








Франциядан муносабат:

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАМЛАКАТНИ ТАШҚИ ДУНЁГА ОЧДИ

1

**“Франция — Марказий Осиё” парламентлараро гуруҳи вице-президенти, сенатор Андре Ришар** ўз маърузасида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши билан мамлакатда инсон ҳаётининг барча жабҳасида, биринчи навбатда, иқтисодиётда кескин ўзгаришлар юз берганини таъкидлади.



“Ўз моҳиятига кўра, Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатни ташқи дунёга очди, республика иқтисодиётини фаол ривожлантирмоқда, таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларида катта ислоҳотларни амалга оширди. Ўзбекистонда 2023 йилда бўлиб ўтган Президент сайлови натижаларига кенг кўламли ислоҳотларни давом эттириш кафолати сифатида қараш керак. Шунингдек, халқаро майдонда давом этаётган геосиёсий ноаниқлик шароитида Ўзбекистон сиёсати алоҳида эътиборга лойиқ. Тошкент мустақил, бироқ айни пайтда мутаносиб ташқи сиёсат юритаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Давлатингиз етакчисининг бундай ёндашуви туфайли Марказий Осиёда мутлақо янги дўстлик ва ишонч муҳити шаклланди. Бу Ўзбекистон Президентининг дипломатик муваффақиятидир”, деди у.

Андре Ришар Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигига тўхталар экан, икки давлат ўртасидаги муносабатлар ўзининг энг яхши ривожланиш даврини бошидан кечираётганини алоҳида таъкидлади.

**Сорбонна университети профессори Жан-Антуан Дюпра** ўз чиқишида, Ўзбекистон иқтисодиётининг либераллашуви фонида француз бизнесининг қизиқиши ортиб бораётганини қайд этди.



“Йирик француз компаниялари Ўзбекистонда лойиҳаларни амалга оширишга катта қизиқиш билдирмоқда. Хусусан, хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун барча шарт-шароит яратилган. Шу билан бирга, мамлакат қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш учун алоҳида салоҳиятга эга”, деди у.

**Термиздаги Франция археология миссиясига раҳбарлик қилган археолог Пер Леричe** олимларнинг саъй-ҳаракатлари бу ҳудуд тарихи ва маданиятини ташқи дунёга очишга қаратилганини таъкидлади.



“Тадқиқотлар натижасида биз топган қадимий осориатиқалар Термиз музейида намойиш этилди. Бугунги кунда ушбу музей Ўзбекистондаги машҳур музейлардан бирига айланди”, деди археолог.

**Франциянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Жан-Клод Ришар** иштирокчиларга Франция — Ўзбекистон муносабатлари тарихи ҳақида маълумот берар экан, икки томонлама муносабатлардаги динамикликдан жуда мамнун эканлигини таъкидлади.



Давра суҳбати доирасида, шунингдек, Женева Дипломатик доираси президенти Ролан Блюмнинг “Ўзбекистон — Марказий Осиё дурдонаси” китобининг тақдимоти ҳам ўтказилди.

**«Дунё» АА.**
Париж

# БЕҒУБОР ВА МУСАФФО МУҲИТ УЧУН

1

Жумладан, Тошкент шаҳрида юз бераётган кунлик тирбандликларнинг олдини олиш мақсадида юк ташиш учун мўлжалланган, рухсат этилган тўла вазни 10 тоннадан юқори бўлган “N2”, “N3” ва “O4” тоифаларга кирувчи автотранспорт воситалари ҳаракати тиғиз вақт оралиқларида тақиқланди. Ушбу талаб 2024 йил 1 мартидан амалиётга жорий қилинди ва тегишли давлат ташкилотлари томонидан бу борада тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

**“N2” тоифа** — бу юк ташиш учун мўлжалланган, энг катта вазни 3,2 тоннадан ортиқ, лекин 12 тоннадан ошмайдиган автотранспорт воситалари.

**“N3” тоифа** — бу юк ташиш учун мўлжалланган, энг катта вазни 12 тоннадан ортиқ бўлган автотранспорт воситаси.

**“O4”** тоифа эса энг катта вазни 10 тоннадан ортиқ бўлган тиркамаларни ўз ичига олади.

Шу ўринда айтиш жоиз, бундай чекловлар махсус хизмат, жумладан, коммунал хўжалиги, ободонлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг юк транспорт воситаларига татбиқ этилмайди.

Айнан шаҳарлардаги экологик муаммоларни бартараф этиш мақсадида жамоатчилик вакиллари таклифлари асосида Тошкент шаҳрида ойнинг бир иш куни давомида автомобиллар ҳаракатланишини (жамоат транспортлари, махсус ва шошилинч ёрдам хизматларидан ташқари) қисқартиришга қаратилган **“Автомобилсиз кун”** жорий қилинади. Бунда биноси пойтахтда жойлашган барча республика ва ҳудудий ижро этувчи органлар раҳбарлари ва ходимлари намуна кўрсатади, деган умиддамиз.

Биламизки, бугунги кунда йўл ҳаракати қоидалари бузилиши автоматик тарзда камералар орқали тасвирга туширилиб, бу ҳақдаги хабар қоидабузарга почта орқали ёки электрон иловалар ёрдамида юборилмоқда. Афсуски, ушбу вазият билан боғлиқ айрим ҳолатлар юзасидан аҳоли томонидан эътирозлар бўлаётган эди. Эндиликда йўл ҳаракати қоидалари бузилиши юзасидан юбориладиган қарор ва хабарномалар устидан Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон мурожаат қилиш имконияти яратилади.

Бу тизим йўлга қўйилса, фуқаролар ортиқча сарсон бўлмайди. Фуқаро йўл ҳаракати қоидасини бузганлиги тўғрисидаги қарордан норози бўлган тақдирда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат йўллаши ҳамда юборилган мурожаатга электрон тарзда мобиль қурилмасига келадиган хабар орқали жавоб олиши мумкин бўлади.

Шунингдек, “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсат изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, мазкур йўналишда Қуролли Кучлар, соҳага масъул бошқа вазирлик ва идораларнинг киберхавфсизлик ҳамда эпидемиологик барқарорликни таъминлаш бўйича салоҳияти кескин оширилади.

Сўнгги вақтларда ортиб бораётган кибержиноятларнинг олдини олиш, унга қарши самарали курашиш мақсадида киберхавфсизлик инфратузилмасининг муҳим элементлари ҳисобланувчи ахборот тизимлари аттестацияси ва экспертизаси учун ҳар бир вазирлик ва идорада масъул шахс жавобгарлиги белгиланади.

Маълумотларга кўра, 2023 йилнинг ўзида тезкор-қидирув тадбирлари натижасида ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиб содир этилган 6 455 та жиноят аниқланган. Йил сайин интернетдан фойдаланиш имкониятлари ортиши баробарида кибержиноятнинг янги кўринишлари ҳам бўй кўрсатмоқда. Албатта, бундай ҳолатларда юқорида айтиб ўтганимиздек, унга қарши курашишнинг илғор усулларини ўзлаштириш, кадрлар тажрибасини ошириш талаб қилинади.

Шундан келиб чиқиб, шу йўналишларда кадрлар тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари ва ўқитиш методикасини такомиллаштириш чоралари кўрилади. Айни чоғда рақамли технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида юртимиз рақамли ва ҳарбий-тиббий инфратузилмасини такомиллаштириш, масъул идораларни замонавий техника ва тиббиёт аппаратуралари билан таъминлаш дастури амалга оширилади.

Кўриниб турибдики, олдимизда залварли вазифалар турибди. Бу эса биз, сенаторлардан катта масъулият талаб этади.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

# ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАСЪУЛЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ АСОС

1

Мазкур қонун лойиҳаси билан Савдо-саноат палатасининг кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини жорий этиш, кичик ва ўрта бизнес субъектларини Савдо-саноат палатасига текин аъзо қилиш, унинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш, аъзолари манфаатлари йўлида судларга апелляция ва кассация шикоятларини киритишга оид бир қатор нормалар кўзда тутилмоқда.

Фракция аъзоси Ботир Мардаев ушбу қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхталар экан, унинг қабул қилиниши Савдо-саноат палатаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга, ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини амалга оширишни соддалаштирган ҳолда, маҳаллий тадбиркорларнинг халқаро ишбилармонлик ҳамжамияти билан интеграциялашувини жадаллаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

## Муаммонинг илдизи қаерда?

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмлари ҳамда ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартиби янада такомиллаштирилгани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Мунозаралар давомида фракция раҳбари Алишер Қодиров қонун лойиҳасига муносабат билдирар экан, бугун аҳоли деярли тўлиқ “ақлли” ҳисоблагичлардан, яъни масофадан бошқарув тизимидан фойдаланаётган бўлса, бундай муаммо қаердан пайдо бўлмоқда, деган саволни ўртага ташлади.

Фракция аъзоси Даврон Арипов ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлаб, биргина Бекобод туманининг ўзида 3 минг нафар фуқаро ушбу масалада мурожаат қилганини, ишлаб чиқарувчи ташкилот икки йилдан буён “ақлли” ҳисоблагичларни етказиб беролмаётганини таъкидлади.

Қонун ташаббускорлари бу ишларга энергия сотиш идоралари масъул эканини, Мажбурий ижро бюроси эса қарздорликни суд қароридан кейин ундириш билан шуғулланишини маълум қилди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлаш жараёнининг соддалаштирилишига ҳамда инсон омили аралашувининг камайишига хизмат қилади.

Йиғилишда, шунингдек, “Сув ресурсларини бошқариш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муфассал кўриб чиқилди.

Депутатлар қонун лойиҳасини муҳокама қилишар экан, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида фракция аъзолари томонидан берилган аксарият таклифлар эътиборга олингани ва лойиҳа матнида ўз ифодасини топганлигини алоҳида қайд этдилар.

Таъкидланишича, ушбу қонун лойиҳаси сув ресурсларини самарали бошқариш, улар юзасидан тўлақонли ҳисоб ва ҳисобот юритиш, шунингдек, мазкур жараёнларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг иштирокини таъминлаш орқали ер ва сувга доир муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади.

## Инсон омили аралашуви камаяди

**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмлари ҳамда ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартиби янада такомиллаштирилгани муносабати билан Ўзбекистон Республика-









сининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Юртимизда ёқилғи-энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш орқали бозор механизмларини жорий этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назоратини таъминлашда бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қоляпти. Хусусан, ёқилғи-энергия ресурсларини ишлаб чиқаришдан бошлаб истеъмолчига етказиб берилгунга қадар бўлган жараёнларни назорат қилишда замонавий ахборот-коммуникация воситалари тўлиқ татбиқ этилмагани инсон омилининг юқори даражада сақланиб қолишига олиб келмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси истеъмол қилинган ёқилғи-энергия ресурслари учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва қарздорликни ундиришни такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Жумладан, унда ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибини қарздор жисмоний шахслардан почта харажатлари учун мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатларига нисбатан татбиқ қилиш жорий этилаётир.

Муҳокама давомида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирди. Хусусан, депутат Қодир Жўраев лойиҳанинг заруратига тўхталиб, унинг номида давлат назорати механизмлари нега белгилаб қўйилаётгани сабаби билан қизикди.

Қонун ташаббускорлари мазкур қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 24 майдаги тегишли Фармони асосида ишлаб чиқилгани ва лойиҳа мазкур ҳужжатдан келиб чиқиб номланганини айтиб ўтди.

Маълум қилинганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши келгусида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлаш жараёни соддалаштирилишига ҳамда инсон омили аралашувининг камайишига, истеъмол қилинган ёқилғи-энергия ресурслари учун қарздорликни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларининг мажбурий ижро этиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

## Сув лимити бўйича меъёр яна мунозарага сабаб бўлди

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** аъзолари “Сув ресурсларини бошқариш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Қонун лойиҳасида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув истеъмолчиларига нисбатан сув олиш лимитларини белгилаш ваколати берилмоқда. Шунингдек, Сув хўжалиги вазирлигининг туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимлари ҳамда махсус хизматлари негизида “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари ташкил этилганлиги муносабати билан амалдаги айрим қонунларга ўзгартиришлар киритиляпти.

Лойиҳада маҳаллий Кенгашлар сув лимитини тасдиқлаш эмас, белгилашини назарда тутувчи меъёр кўрсатилгани депутатларда саволларни юзага келтирди. Хусусан, фракция аъзоси Шарофиддин Назаров аввалги ўқишда ҳам ўз эътирозини билдирганини таъкидлади. Депутатнинг фикрича, амалда фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқалар учун лимитлар сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланаётган эди. Бунда бевосита ҳар битта субъект бўйича сарфланадиган меъёр аниқланади. Биргина туманда турли тоифадаги минглаб истеъмолчи мавжуд. Ҳар битта истеъмолчи билан алоҳида шартнома тузилган ҳолда сув етказилар эди. Қонун лойиҳасида назарда тутилган тартиб механизми қандай амалга оширилади? Умумлашган лимитни қандай тушуниш мумкин? Чунки бу жумланинг ўзи умумий бўлиб, қабул қилингандан сўнг тушунмовчиликларга сабаб бўлиши ёки умуман ишламайдиган нормага айланиб қолиши мумкин.

Ушбу саволга қонун лойиҳасига масъул депутат Равшанбек Бегматов жавоб берди. Унинг қайд этишича, Сув истеъмолчилари уюшмаси фермерлар кесимида ишлаган бўлса, эндиликда бу борада махсус хизмат фаолият олиб боради. Экин туридан, жой ҳажми ва бошқа жиҳатлардан келиб чиқиб, лимит аниқланади ва қайси декадада қанча сув талаб қилиниши каби меъёрлар ишлаб чиқилади. Туманлардан олинган маълумот вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасига юборилади. Шу тариқа умумлаштирилиб, лимит тақдим этилади. Масалан, бир туманда 100 куб сув сўралган бўлса ва кутилаётган сув 80 куб бўлса, 20 фоиз лимит пропорционал равишда қайта ишлаб чиқилиб, маҳаллий Кенгашга киритилади. Бунда ўрганишлар натижалари ва унинг асосида ишлаб чиқилган лимитни депутатлар тасдиқлаш орқали белгилайди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериб, уни қўллаб-қувватлади.

## Қоидабузарликларнинг олди олинади

Сўнгги йилларда мамлакатимизда божхона маъмуриятчилигини янги босқичга олиб чиқиш, божхона ва юк операцияларини рақамли трансформация қилиш орқали инсон омилини кескин қисқартиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** йиғилишида муҳокама қилинган “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига божхона брокери ва халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб бериш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси билан муҳим ўзгаришлар назарда тутилмоқда. Хусусан, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунга божхона брокери ва халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб бериш фаолиятини ваколатли органни хабардор этиш асосида ташкил қилиш, шунингдек, ушбу фаолиятларни ваколатли органни хабардор этмасдан бошлаганлик учун жавобгарлик чораларини белгилашни назарда тутувчи қўшимчалар киритиляпти.

Йиғилишда депутатлар томонидан қонун лойиҳасининг қабул қилиниши халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб бериш ва божхона брокери сифатида фаолиятни амалга оширишда мавжуд қоидабузарликларнинг олдини олишга хизмат қилиши қайд этилди.

Мунозаралар якунида фракция аъзолари томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

*Фракциялар йиғилишларида қизғин муҳокама қилинган қонун лойиҳалари қўллаб-қувватланди ҳамда фракциялар фаолиятига оид кўрилган бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

# СУРХОН КЕНГЛИКЛАРИДА



1

Дарҳақиқат, вилоят иқтисодиёти кейинги йилларда замонавий саноатни йўлга қўйиш, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва тўқимачилик соҳасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш орқали янада юксалмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг бевосита ғояси асосида вилоятимиз обод бўляпти, халқимизнинг турмуш даражаси ошяпти, десак, айни ҳақиқат, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Фарҳод Очилдиев. — Президентимиз ҳар гал ташриф буюрганида жанубий воҳа салоҳиятидан келиб чиқиб, кўрсатма ва топшириқлар беради. Шулар асосида ҳудудларнинг “ўсиш нуқталари” белгилаб олингани одамларнинг турмуш фаровонлигини юксалтириб, тинч, тўкин ҳаётидан рози бўлиб яшашига хизмат қилмоқда.

Юртбошимиз ҳудудлар иқтисодиёти, муҳим ижтимоий дастурлар ижроси билан танишиш мақсадида ўтган йили 13 март ҳамда 16-17 ноябрь кунлари вилоятимизга келди. Биринчи ташрифи чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан муҳим вазифаларни белгилаб берди. Иккинчи ташрифигача бўлган даврда топшириқлар ижроси юрт ободлиги ва Сурхон аҳлининг фаровон ҳаётини таъминлашда муҳим омил бўлди, десак, муболаға эмас. Шу даврнинг ўтган 9 ойида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 29,4 трлн. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 105,2 фоизга етди.

— Бу йилги режалар ҳам залварли, — дейди Фарҳод Очилдиев. — 1,5 млрд. доллар инвестиция олиб келиш, шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 12 трлн. сўмга етказиш ҳамда 500 млн. долларлик маҳсулот экспортини амалга ошириб, 100 млн. долларлик импорт ҳажмини қисқартириш бўйича чоралар кесимида режалар белгиланди.

Вилоятимизда кичик бизнесни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кичик бизнесга кўмаклашиш маркази базасида тренерлар ва кичик бизнес субъектларини ўқитиш бўйича Япониядан малакали мутахассисларни жалб қилиш бўйича Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан музокаралар олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, қайта ишлаш (қуритиш) учун 115 та ва музлаткичли омборхоналарда сақлашни ташкил этиш бўйича эса 100 та лойиҳа шакллантирилди. Тадбиркорга имтиёзли ва узоқ муддатли кредит ҳамда лизинглар бериш ишлари ташкиллаштирилди.

Дарвоқе, “Indenim” кийим-кечаклари Термизда ишлаб чиқарилишидан ҳамма ҳам хабардор эмас. Умумий қиймати 10 млн. доллардан кўпроқ бўлган “Indenim Textile” кластерининг Термиз шаҳридаги тўқимачилик корхонаси 2019 йилда ишга туширилган эди. Корхонада Германия, Япония, Туркия ва Хитой каби давлатлардан келтирилган илғор технология ҳамда ускуналар ўрнатилган. Йилига 800 турдаги 9 млн. дона кийим-кечак ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу корхона маҳсулотларининг бир қисми экспортга, асосий қисми ички бозорга — “Indenim” дўконларига етказиб берилмоқда. “Indenim Textile” кластерининг пахта етиштириш ва қайта ишлаш, калава ип тайёрлаш, кийим ишлаб чиқариш ҳамда сотиш занжирида жами 9 минг нафардан ортиқ ходимлар меҳнат қилаётир.



Давлатимиз раҳбари корхона иш жараёни билан таниша туриб, маҳсулотларни кўздан кечирганида юртимизда тўқимачилик хомашёси ва маҳсулотлар сифатида муаммо йўқлигини, бироқ фақат дизайн мактаби мавжуд эмаслигини алоҳида таъкидлаган эди. Ҳақиқатан, кундан-кунга услублар ўзгараётгани боис рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун дизайн мактаби зарур. Президентимизнинг кўрсатмаси билан бу борада кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида корхона мутахассислари дизайн соҳаси тараққий этган Италия давлатига юборилди. Дизайнерлар ўзаро тажриба алмашиб, малака ошириб қайтди. Ҳозир корхонада мономарказ ташкил этилган бўлиб, ишчилар аввал шу ерда ўқитилади. Бугунги кунда 800 нафар хотин-қизнинг доимий бандлиги таъминланди.

## Даладан — дунё бозорига

Сурхондарё — чорвачиликни ривожлантиришда қулай ҳудуд. Бепоён кенгликлару ястанган қир-адирлар чорва учун ёзин-қишин қулай шароит яратади. Бу ерда азал-азалдан туёқлилар кўп боқилади. Айни пайтда воҳада қорамоллар бош сони бир миллиондан зиёд. Қўй-эчкилар икки ярим миллион бошга, паррандалар бош сони эса салкам олти миллионга етди.

Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш учун умумий қиймати 361 млрд. 300 млн. сўмлик 111 та лойиҳа амалга оширилган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар даладан дунё бозорига йўл олмоқда.

— Чорвачилик мажмуамизда Австриядан келтирилган симментал зотига мансуб қорамоллар парваришланади, — дейди Жарқўрғон туманидаги “Жайхун чорва наслчилик кластери” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жўрабек Бозоров. — Дастлаб, Австриядан 200 бош шундай зотли сигир олиб келинди. Уларнинг бари шу ерда туғдирилди. Бугун уларнинг сони 400 бошга етди. Асосан, сут етиштирамиз. Бир вақтнинг ўзида 16 бош сигирни соғиш қувватига эга сут соғиш жиҳозларини Германиядан келтирганмиз. Ҳар бир сигирдан кунига 25 — 30 литргача сут соғиб олинмоқда. Ҳозирда сутни қайта ишлаш корхоналарига маҳсулот етказиб беряпмиз. Келгусида ўзимизда сутни қайта ишлаб, қатиқ, бринза, қаймоқ ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашни режалаштирганмиз.

Чорвачилик фақат адирликларда қўй-эчки боқиш дегани эмас, албатта. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг вилоятга ҳар галги ташрифи сурхондарёлик тадбиркорларга, воҳаликларга кўтаринки руҳ бағишлаётир, янги-янги ташаббусларга чорламоқда. Ҳудудда замонавий корхоналар жадал ривожланяпти. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ангор туманида аввал Сурхондарёда бўлмаган пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Top Quality Brand” МЧЖнинг фаолияти йўлга қўйилгани сўзимизни тасдиқлайди.

— Илгари чорва терилари арзимаган нархларда қўшни вилоятларга сотиларди, — дейди МЧЖ раҳбари Шавкат Бўриев. — Одамлар унинг ташвишидан қочиб, чиқиндига ташлашни афзал кўришарди. Биз иш бошлагач аҳоли чорва териларини маъқул нархларда сотиб, яхшигина даромад топмоқда. Қолаверса, туманимиздаги ўнлаб ёшлар муқим иш ўрнига эга бўлди. Корхонамиз Италия ва Туркия технологиялари билан тўлиқ жиҳозланган. Йилига 1,2 млн. квадрат метр тайёр чарм, 450 минг жуфт пойабзал, 250 минг дона чарм-атторлик маҳсулотлари, 5 минг тонна желатин ишлаб чиқариш қувватига эга. Қайта ишланган тери маҳсулотларимиз Озарбайжон, Туркия, Россия, Италия, Ҳиндистон, Португалия, Германия каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Дарвоқе, корхона ишида яна бир муҳим қадам — бу ерда “Mercedes-Benz”, “Audi”, “Toyota” каби компаниялар автомобилларининг ўриндиқлари учун тайёр чарм етказиб бериш ҳам режа қилинган.

# РАМАЗОН — МЕҲР-МУРУВВАТ, ХАЙРУ САХОВАТ ОЙИ

Ушбу ойда халқимизнинг меҳр-мурувват, оқибат ва саховат, ўзгаларга кўмак қўлини узатиш, йиқилганни суяш каби фазилатлари ҳар доимгидан-да кенгроқ намоён бўлади. Бу Президентимиз томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ҳимоя сиёсатига ғоят ҳамоҳангдир.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда кечаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнларида аҳолининг барча қатлами манфаатларини сўзда эмас, амалда ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бор шахслар, етим болаларга ёрдам кўрсатиш, уларни ўқитиш, касб-ҳунарга ўргатиш, ишга жойлаштириш борасида ҳам аниқ ва манзилли чоралар кўриляпти.

Президентимиз раислигида шу йил 20 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар кенг муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари бу тизимни тубдан ислоҳ қилиш, ижтимоий ёрдамнинг манзиллилиги ва натижадорлигини таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Йиғилишда шу борадаги устувор вазифалар белгиланди. Аввало, ижтимоий хизмат ва ёрдамни маҳалла даражасида ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

Ойларнинг султони саналмиш Рамазон ойида бундай эзгу амаллар ҳажми янада кенгаяди. Кексалар, беморлар, боқувчисини йўқотган инсонлар, ота-она меҳридан бебахра қолганлар ҳолидан хабар олиш борасидаги ишлар қамрови янада ортади.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли инсонпарварлик сиёсатидан руҳланиб, **Ўзбекистон мусулмонлари идораси бу йилги Рамазон ойини “Меҳр-мурувват ва хайру саховат ойи”га айлантириш ташаббусини эълон қилди.** Токи, кутлуғ ойда ҳар бир хонадон, ҳар бир кишининг қалбига хурсандчилик кириб борсин. Шунда мақсадларимиз ҳосил бўлади, Яратган биздан рози бўлади, инша Аллоҳ.

Азиз халқимиз, айниқса, саховатли дўсту биродарларимиз бу ойда имкон қадар хайрия ишларини кўпайтирса, юртимизда эҳтиёжманд кишилар янада камаяди, ҳар бир уйда шодлик, қувонч муҳити ҳукм суради. Бинобарин, инсониятга ибрат бўлган Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ойда бошқа ойларга қараганда янада сахийроқ бўлар эдилар. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларнинг энг сахийси эдилар. Айниқса, Рамазон ойида янада сахий бўлиб кетар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яхшиликда шиддат билан эсаётган шамолдан-да учқурроқ эдилар”* (Муттафақун алайҳ).

Шундай экан, умид қиламизки, қўли очиқ, саховатпеша инсонларимиз ногиронлиги бўлганлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган фуқаролар ҳамда кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват улашади, беморларнинг ҳолидан хабар олиб, кўнгилларини кўтаришда пешқадам бўлади.

Жамиятда меҳр-шафқатга, раҳмдилликка ва хайру эҳсонга муҳтож кишилар кўп эканини эътиборга олсак, бу эзгу ташаббуснинг аҳамияти яна ҳам ортади. Рамазони шарифда ушбу тоифадаги фуқаролар ҳолидан хабар олиб, уларнинг кўнгилларига озгина бўлса ҳам, хурсандлик улашадиган бўлсак, Аллоҳ таоло бу муборак кунлардаги ажрларини зиёда қилиб беради. Зеро, Салмон Форсий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“У ойда ким бирор-бир нафл амал қилса, бошқа ойда фарз амални адо қилган билан тенг бўлади. Кимда-ким бу ойда бирорта фарз амал адо этса, бошқа ойда етмишта фарз амални адо қилган билан тенг бўлади”*, дея марҳамат қилганлар.

Ислом инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, сахийлик, муҳтож кишига ёрдам қўлини чўзиш каби гўзал хислатларни кенг тарғиб этади. Инсон нафақат ўзи ҳақида ўйлаши, балки ўзгалар дарди билан ҳам ҳамнафас бўлиб яшаши керак. Аллоҳ таоло чин мўмин-мусулмонларни Қуръони каримда шундай таърифлаган: **“Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар: (одамларни) яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар...”** *(Тавба сураси, 71-оят)*.

Бу борада Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз умматларини сифатлаб шундай деганлар: *“Мўмин мўминга нисбатан бир-бирини мустаҳкам тарзда ушлаб турган бино сингаридир”* (Имом Бухорий ривояти).

Жамиятда яшар эканмиз, ён-атрофимиздаги айрим кишиларнинг тақдир тақозоси билан бошига мусибат тушганига, оғир дардга учраганига, имконияти чекланиб, ёрдамга муҳтож бўлганига дуч келганига гувоҳ бўламиз. Бундай ҳолатдаги инсонлар дардига қулоқ тутиш ва имкон даражасида уларга кўмак бериш мўминлик вазифамиздир.

Исломда камбағалликни тугатишга, аввало, бундай тоифадаги кишиларни меҳнат қилишга ундаш, бирор касб-ҳунар билан шуғулланишга тарғиб этиш билан эришилади. Чунки меҳнат қилиш бу асосий вазифа ҳисобланади. Бироқ жамиятда меҳнатга ярамайдиган ёки муносиб иш топа олмаётган ёхуд иши бору, ундан оладиган даромади эҳтиёжини қоплашга етмайдиган ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга нисбатан ҳам динимизда ўзига хос тарзда раҳнамолик қилиш айтилган. Масалан, закот, яқин қариндошларга берилиши вожиб бўлган нафақа, нафл садақа, хайрия, вақф мулки, назрлар, каффоратлар, қўшнилар ҳаққи, меҳмондорчилик ҳаққи, етимларга ғамхўрлик қилиш, шунингдек, давлат томонидан ижтимоий таъминот учун ажратиладиган маблағлар шу ишга йўналтирилади.

Муҳтож инсонларга ёрдам бериш жуда катта савобли амал бўлиб, динимиз унга тарғиб қилади. Бу борада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай марҳамат қиладилар: *“Бир биродаримнинг ҳожатини (раво қилиб) юришим мен учун мана бу масжидда (Масжиди Набавийда) бир ой эътикоф ўтиришдан яхшироқдир. Ким биродарининг ҳожатини раво қилиб бергунигача у билан бирга юрса, Аллоҳ уни қадамлар тойиладиган кунда қадамини собит қилади”* (Имом Табароний ривояти).

Динимиз боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор, ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган инсонлар билан муомала қилишда қуйидаги уч асосга чақиради: уларнинг ҳурматини сақлаш; ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилиш; жамиятдаги одамлар орасида тенглик ўрнатиш. Мана шу учта тамойил ҳам бугунги кунда юртимизда кенг қулоч ёзмоқда.

Меҳр-мурувват, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, сахийлик халқимиз ардоқлаган, асрлар оша амал қилиб келаётган гўзал фазилатлардир. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошоғида юздан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга (савобни) янада кўпайтириб беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдон зотдир”** *(Бақара, 261)*. Бошқа ояти каримада: **“Садақаларингизни агар ошкора берсангиз, жуда яхши. Бордию, камбағалларга пинҳона берсангиз — ўзингиз учун янада яхшироқдир ва (У) гуноҳларингиздан ўтар. Аллоҳ қилаётган (барча) ишларингиздан хабардордир”** *(Бақара, 271)*.



Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Кимки бир мусулмоннинг дунё қайғуларидан бирини кетказса, Аллоҳ унинг қиёмат кунидаги қайғуларидан бирини кетказади. Кимки дунёда бир қийналган биродарининг оғирини енгил қилса, Аллоҳ таоло унинг қиёматдаги оғирини енгил қилади. Бир банда бошқа бандага ёрдам қилса, Аллоҳ таоло унга ҳам ёрдам кўрсатади”*, деганлар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги масжид имом-хатиблари ҳомийларни жалб этган ҳолда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, Меҳрибонлик, Саховат, Мурувват уйларига, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдамлар кўрсатиш ишларини бошлаб юборди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, ҳудудлардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида аҳолининг кам таъминланган қатлами, хусусан, ногиронлиги бор шахслар уйларида ифторлик дастурхони ёзиш, кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қилинади. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Ким рўзадор кишига ифторлик қилиб берса, у кишига ҳам рўза тутганнинг ажридек савоб берилади. Бу билан рўзадорнинг ажридан ҳеч бир нарса кам бўлмас”*, дедилар (Имом Термизий ривояти). Ўз навбатида, жойларда аҳоли томонидан ўтказиладиган ифторликларни исрофсиз ихчам ўтказиб, зарур озиқ-овқат маҳсулотларини муҳтож оилаларга улашиш орқали кўплаб хонадонларга қувонч шодлик олиб кириш катта савобли иш эканини кенг тарғиб қилинади.

Ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш билан бирга маънавий кўмак бериш, уларни имконияти доирасида бирор касбга йўналтириш ҳам улкан савоб. Бу борада Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг имконияти чекланган саҳобаларга қилган тадбирлари ва ўтган азизларнинг ҳаётлари бизга ўрнак ва намуна. У зот Абдуллоҳ ибн Умму Мактум розияллоҳу анҳуни кўзи ожиз бўлишига қарамай муаззинлик вазифасига қўйганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Муоз ибн Жабални оқсоқ бўлишига қарамай, Яманга қози ва ҳоким қилиб юбордилар. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу жисмоний имкониятлари бироз чекланган бўлса-да, асри саодатдаёқ Қуръон ва фиқҳда устоз бўлган.

Машҳур саҳоба Абдураҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу ҳам оқсоқ эди. Шунга қарамай тижорат билан шуғулланиб, жуда катта бойликка эга бўлган. У зот барча бойлигини ёрдамга муҳтож инсонларга инфоқ-эҳсон қилган. У зот топган мол-давлатини хайрли ва эзгу ишларга сарф этиб, ислом тарихида ўчмас из қолдирган.

Катта тобеинлардан Муҳаммад ибн Сирин раҳматуллоҳи алайҳ кар бўлган. Буни кўпчилик билмайди. Бу зот ҳам илм ва тақвода ўз даврининг етук уламоларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ибн Сирин ҳазратлари замонасининг энг катта тижоратчиларидан бири бўлган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, исломдаги ижтимоий ҳимоя фақат моддият билан чекланиб қолмайди, балки ижтимоий ва руҳий қўллаб-қувватлаш билан ҳам ўзига хосдир. Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: *“Биродарингнинг юзига табассум билан боқишинг ҳам садақа, яхшиликка буюришинг ҳам садақа, ёмонликдан қайтаришинг ҳам садақа, йўлдан адашган кишини тўғри йўлга солиб юборишинг ҳам садақа, кўзи ожиз кишига ёрдам беришинг ҳам садақа, йўлнинг юзида ётган тошни, тиканни, суякни четга олиб қўйишинг ҳам садақа, челагингдаги сувдан биродарингнинг челагига қуйиб беришинг ҳам садақадир”* (Имом Термизий ривояти).

Рамазон ойида қилинган садақа энг яхши садақадир. Шунинг учун ҳам кам таъминланган оилаларга Рамазон қувончи ва сururини олиб кириш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Аллоҳ таоло ушбу ойни барчамизга муборак қилсин ва улуғ савоблардан барчамизни баҳраманд айласин!

**Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.**

# ЯНГИЛАНИШ НАФАСИ



## Тарихий меросимиз — бебаҳо бойлик

Сурхондарё — жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири. Ҳудуднинг бой тарихи, ноёб археологик ёдгорликлари, ўзига хос табиати ҳар қандай кишида ҳайрат ва ҳавас уйғотади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2023 йил 16-17 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида ҳудудда туризмни ривожлантириш бўйича бир қанча кўрсатма ва топшириқлар берган эди. Бугунги кунда уларнинг ижроси изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Сурхондарё вилояти ҳокимининг туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари Жўрабек Тўраев бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Юртбошимиз вилоятимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда Сурхондарёда туризм салоҳияти ҳам юқори эканини алоҳида таъкидлаб, бу борадаги вазифаларни белгилаб берган эди. Шунга мувофиқ, вилоятнинг салоҳиятли туризм ҳудудларини аниқлаб, уларда камида 10 та “туризм қишлоғи”ни ташкил этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Хусусан, Бойсун туманидаги Омонхона, Сайроб, Темир дарвоза, Узун туманидаги Боботоғ, Олтинсой туманидаги Вахшивор, Хўжаипок, Термиз туманидаги Учқизил, Денов туманидаги Сумбула, Шеробод туманидаги Чорбоғ, Қизил олма туризм қишлоқларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Бойсун туманидаги Эллин маданияти ёдгорлигига оид Узундара маданий мерос ёдгорлигида очиқ осмон остидаги музей ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Ёдгорлик атрофини муҳофаза қилиш лойиҳаси тайёрланиб, Маданий мерос агентлигига тақдим этилди.

Шеробод туманидаги қадимги одам яшаган Хатак ғори ва Зараутсой қоятоши суратлари тўғрисида илмий асосланган маълумот тайёрланди. Қоятош суратларини ўрганиш бўйича Фанлар академияси Миллий археология маркази томонидан Австралиядаги Гриффит университетининг Инсон эволюциясини тадқиқ этиш маркази ҳамда Франциядаги Илмий тадқиқотлар миллий марказининг Қадимги давр фан ва археология си бўлими каби хорижий илмий марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Шунингдек, Президентимизнинг “2024 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, Хатак ғори ва Зараутсой қоятоши суратларига олиб борувчи 60 километр йўлни таъмирлаш ишлари 2024 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган объектлар рўйхатига киритилди.

Самарқанд — Китоб — Денов — Олтинсой — Термиз йўналиши бўйлаб “Нақшбандия пирлари” туризм ҳалқаси тайёрланиб, вилоят ҳокимлиги томонидан келишиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Ҳозирги кунда 75 млн. доллар сармоя эвазига “Термиз халқаро савдо маркази” қурилмоқда. Марказга “Термиз” божхона пости кўчирилади. Қолаверса, “ягона дарча”, нотариал ва банк хизматлари йўлга қўйилди.

Шунингдек, Сариосиёдаги Ўзбекистон — Тожикистон чегара пости ёнида 6 гектар бўш ерда Транспорт логистика марказини барпо этиш, Бандихондаги “Тангимуш” станциясида экспорт учун юк ортиш-тушириш хизматларини йўлга қўйиш ҳамда транзит салоҳияти юқори Термиз шаҳри, Жарқўрғон, Сариосиё ва Узундаги магистраль йўл четида логистика-сервис марказлари очиш, Жарқўрғон, Олтинсой ва Деновни боғловчи 111 километр йўлни таъмирлашга хусусий шерик жалб қилиш ишларининг биринчи босқичи бошлаб юборилди. Буларнинг барчаси воҳада туризм соҳасини ривожлантиришга хизмат қилади.

## «Умидлари сўнган оиламизни ҳаётга қайтарган Президентимиздан миннатдормиз»

Аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Президентимиз раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу борада батафсил сўз юритилиб, мутасадди идоралар раҳбарларига қатор топшириқлар юклатилди.

Айтиш жоизки, воҳада қийналган оилаларга ёрдам кўрсатиш, аҳолининг имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини тўлақонли қамраб олиш, уларга кўрсатилаётган кўмак сифатини янги босқичга кўтариш масаласи устуворлик касб этмоқда. Аввало, ижтимоий хизмат ва ёрдамни маҳалла даражасида ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Маҳалла еттилиги” томонидан кам таъминланган оилалар манзилли ўрганиляпти, тизим шаффофлиги таъминланмоқда. Натижада доимий даромадга эга оилалар бундай тоифадан чиқарилишига эришилмоқда.

— Яратганнинг синови қаттиқ келди, — дейди Узун туманидаги Янги куч маҳалласида истиқомат қилувчи Сурмахон момо Ёқубова. — Кексалик чоғингда ўз фарзандингни қабрга қўйишнинг юки жуда оғир келаркан. Она учун ҳар бир боласининг ўз ҳиди бор. Бултур кенжатойим — Камолиддин ўғлимдан айрилдим. Уни “қанд касаллиги” олиб кетди. Ундан икки ўғил, бир қиз қолди. Худойим кичик набирамни дардманд қилиб берди. Келиним ишсиз, уйда. Тўшакка михланиб қолганман. Бир ишга ярамасам-да, шугиналар учун яшаб келяпман. Шу кунгача 800 минг сўм пенсиямга амал-тақал кун кўраётгандик. Бугун барча азобларимиз ортда қолди. Юртбошимизга раҳмат! У кишининг доно иш юритуви туфайли оиламиз бутланди, ташвишларимиз ариди. Энди армоним йўқ...

Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида ижтимоий ҳимоя тизими билан 250 та хизмат қамраб олинган бўлса-да, маҳалладаги аҳоли уларнинг ярмини ҳам билмаслигини айтганди. Ҳақиқатан ҳам, Сурмахон момонинг келини Моҳигул Султонова ана шундай билмаслигидан юрагининг бир парчаси — 10 ёшли жигарбандини Меҳрибонлик уйига ўз қўли билан топширишга мажбур бўлганди.

— Турмуш ўртоғим қаттиқ бетоблиги туфайли тез-тез шифохонага тушарди, — дейди М. Султонова. — Кекса қайнонам ҳам ўзганинг парваришига муҳтож. 2-гуруҳ ногирони 10 ёшли ўғлим Салоҳиддин туғма гапиролмайди, эпилепсия билан оғриган. Моддий томондан етишмовчилик туфайли ўз фарзандимни Меҳрибонлик уйига топширишга мажбур бўлдим. Турмуш ўртоғим вафотидан кейин яшаш шароитимиз янада оғирлашди. Ҳали вояга етиб-етмаган катта ўғлим хорижга ишлагани кетишга мажбур бўлди.

Шундай кунларнинг бирида уйимизга “маҳалла еттилиги” фаоллари келишди. Улар оилавий аҳволимизни ўрганди. Кўп куттирмай вилоят, туман мутасаддилари ҳамроҳлигида ташриф буюришди. Қисқа фурсатда тўкилиб қолган уйимизни таъмирлашди, гилам, телевизор, озиқ-овқат маҳсулотлари беришди. Туманимиз раҳбари шу ернинг ўзида хориждаги ўғлим билан телефон орқали гаплашди, уч ой деганда 500 минг сўм жўнатганини эшитиб, ортга қайтишни сўради. Унинг қайтиб келиши учун 2 миллион сўм берди. Қайтган ўғлим 3 миллион сўм маошли “Беҳруз” мебель цехига ишга жойлаштирилди. Меҳрибонлик уйидан ўғлим қайтарилди, унга 2,5 миллион сўм нафақа тайинланди. Дори-дармонлари бепул бериляпти. Мени “аёллар дафтари”га киритиб, тикув машинаси совға қилишди. Роҳила Файзиева, Замира Мирзаева сингари фаоллар кунора ҳолимиздан хабар олиб туришибди. Умидлари сўнган оиламизни ҳаётга қайтарган Президентимиздан миннатдормиз...

Сурхондарё вилоятида 724 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Маҳаллалардаги “еттилик” фаолияти тизимли ташкил этилишига вилоят раҳбарияти алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугун воҳада одамлар тинч, фаровон турмуши ва обод ҳаётидан рози.



Мухтасар айтганда, ҳозир вилоятнинг қайси ҳудудига борманг, бунёдкорлик ва янгиланишларга гувоҳ бўласиз. Аҳоли учун тураржойлар, ижтимоий-маиший объектлар, корхоналар бунёд этилаётганини кўриб, кўзингиз қувонади. Одамларнинг чеҳрасида эртанги кунга ишонч порлаб турибди. Бутун мамлакатимизда бўлгани каби бу ерда ҳам “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойилнинг ҳаётий ифодаси яққол намоён бўлмоқда.

**Фарҳод ЭСОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# МУВАФФАҚИЯТЛИ РИВОЖЛАНИШ КАЛИТИ

*Бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, саломатлиги муҳофазаси, илм-фан, таълим, спорт, тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш, умуман, фаолиятнинг барча жабҳасида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари устуворлик касб этган. Бу бежиз эмас. Зеро, инсон қадрини улуғлаш, энг аввало, азизу мукаррама аёлларимизни улуғлашдан бошланади.*

## Фикр

Давлатимиз раҳбари Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, аёлларимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш давлатимиз ва жамиятимизнинг энг устувор вазифаси эканини таъкидлаб ўтди.

Жумладан, сўнгги йилларда юртимизда қизлар камолотига, уларнинг олий таълим олиши, замонавий касб-ҳунар ҳамда технологиялар, хорижий тилларни эгаллашига катта аҳамият берилмоқда. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ, барча соҳада аёлларнинг ўз қобилият ва истеъдодини тўлиқ рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Хотин-қизларни маҳалладан бошлаб, барча босқичда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизими йўлга қўйилдики, бу ўз самараларини бераётир. Уй-жой ва маиший масалаларни ҳал этиш, аёлларга муносиб иш топишда кўмаклашиш билан бирга, таълимга бўлган қизиқишларини ошириш чоралари ҳам кўрилмоқда.

Ўзбек оилаларида қадимдан фарзандларга таълим беришга катта аҳамият қаратилган, бу нафақат ўғил, балки қиз фарзандларга ҳам тааллуқли. Атоқли маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, қизлар ҳаммадан кўра билим олишга интилиши керак, чунки бу билим билан келажак авлодни тарбиялайди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби хотин-қизларнинг таълим даражасини юксалтириш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда талаб юқори бўлган бошқарув ва илмий кадрларни тайёрлашда фаол иштирок этяпти.

Ҳозирда ушбу таълим муассасасида 438 нафар хотин-қиз бизнес бошқаруви, капитал бозори ва биржа иши, бизнес инновациялар ва тадбиркорлик, МБА — глобал менежмент, МБА — молия, МБА — кичик бизнес ва тадбиркорлик, МБА — агробизнес, лойиҳа бошқаруви мутахассисликлари бўйича таҳсил олишяпти. Эътиборлиси, уларнинг таълими Давлат бюджетидан тўлиқ молиялаштирилмоқда.

Олий мактаб тингловчилари турли халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий анжуманларда, тадқиқотларда ҳамда ўқув семинарларида фаол иштирок этиб келаётир.

Президентимиз бу ҳақда ҳам тўхталиб, “Ҳозирги кунда илм-фан соҳасида жами 5 мингга яқин олима аёлларимиз фаолият кўрсатмоқда. Олийгоҳларда эса 14 мингдан зиёд опа-сингилларимиз педагогика ва илмий тадқиқот йўналишида иш олиб бормоқда.

Бу рақамлар нимадан далолат беради?

Бу, аввало, қизларимиз, опа-сингилларимизнинг интеллектуал салоҳияти нақадар баландлигидан, агар тегишли шароит ва имконият яратиб берсак, улар ҳар қандай юксак маррани забт этишга қодирлигидан далолат беради” дея таъкидлади. Шу маънода, аёлларимиз эришган ютуқлар барчамизни мамнун этади.

Олий мактабимиз мисолида айтадиган бўлсак, магистрлик дастурларини муваффақиятли тугатган айрим битирувчилар ўзларининг илмий тадқиқот ишларини олий таълимдан кейинги босқичда давом эттирмоқда. Беш нафар аёл тадқиқотчимиз мустақил изланувчилик билан иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий изланишини, шунингдек, уч нафар аёл тадқиқотчи DSc илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини тайёрлаяпти.

Битирувчиларимиз мактабгача таълим, олий таълимнинг турли йўналишларида, вазирлик ва идораларда, тадбиркорлик субъектларида ҳамда хусусий корхоналарда фаолият юритмоқда. Улар орасида ўз бизнесини йўлга қўйиб, катта муваффақиятларга эришганлар ҳам, тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаётганлар ҳам талайгина.

Дарвоқе, Президентимизнинг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, 2022 — 2026 йилларда мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча соҳасида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича миллий дастур тасдиқланган.

Унинг доирасида аёлларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳамда сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, бандлик ва гендер тенглигини таъминлаш, эҳтиёжманд ватандошларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Уларнинг ижроси эса ҳаётимиз қувончи, файзу фариштаси бўлган муҳтарама онахонлар, опа-сингилларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларини таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган жамиятда, албатта, тинчлик, адолат, эркинлик ва фаровонлик бўлади. Аёл бахтли бўлса, оила ва жамият ҳам, албатта, бахтли бўлади.

**Миркомил ОДИЛОВ,**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби директори ўринбосари.**

## Хушхабар

# ТАЛАБАЛАР ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ҒОЛИБИ БЎЛДИ



Тошкент давлат иқтисодиёт университети (ТДИУ) талабалари Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро олий таълим муассасалари талабаларининг математика бўйича очиқ олимпиадасида (OMOUS) ғолибликни қўлга киритди.

Олимпиадада Ўзбекистон, Туркманистон, Болгария, Россия, Саудия Арабистони, Испания, Хитой, Индонезия ва бошқа давлатлар вакиллари қатнашди.

ТДИУ талабалари олимпиаданинг “B” категориясида ғолибликни қўлга киритди. Хусусан, яккалик беллашувида бухгалтерия ҳисоби ва аудит факультети талабаси Ҳумоюн Абдурасулов ҳамда иқтисодиёт факультети талабаси Тоҳирбек Тўланов олтин медалга эгалик қилди.

Солиқлар ва суғурта факультети талабаси Севинчбек Самадов ҳамда Фахриддин Ҳусанов жамоавий ўйинда бронза медалига сазовор бўлди.

**«Халқ сўзи».**

# ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШНИНГ ЎЗАК МАСАЛАСИ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимда юртимизда меҳнаткаш, олийжаноб халқимиз, биринчи навбатда, аёлларимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда истиқболга мўлжалланган чора-тадбирлар ҳақида фикр юритар экан, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласига алоҳида урғу берди.*

## Акс садо

Бинобарин, соғлиқ ҳар бир инсон учун бебаҳо бойликдир. Ҳар тирик жоннинг ҳаёти она қорнидаёқ бошланишини ҳисобга олсак, аёлнинг саломатлиги, ҳомиладорлик даврида эътибор ва ғамхўрлик оғушида бўлиши, тиббий маданиятининг етарли даражада шаклланиши, қиз боланинг соғлом ўсиб-улғайиши мамлакатнинг бугуни ва эртаси учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши ойдинлашади.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **опа-сингилларимиз саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, халқимиз генофондини мустаҳкамлаш инсон қадрини улуғлашнинг ўзак масаласидир.**

### Зот — отадан, алп — онадан

Халқимизда “Зот — отадан, алп — онадан” деган нақл бежиз айтилмаган. Дунёга келмиш боланинг жинси, зотию аждоди отага боғлиқ бўлса, унинг эсон-омон туғилиб, соғлом, бақувват бўлиб улғайиши, курашларда енгилмас алпга айланиши онанинг саъй-ҳаракатларига, жисмию руҳининг, онгу шуурининг қувватига дахлдор.

Тупроққа бир уруғ тушса, вақти-соати келиб кўкаради, униб-ўсади. Тушган уруғ азим дарахтга ёки мўъжазгина гулга айланиши мумкин. Баъзи уруғлардан унган дарахтлар соясида ором олсак, баъзилари бегона ўтларга айланиб, оёғимизга занжир бўлади. Баъзи уруғлар гулга айланиб муаттар ҳид таратса, баъзиларининг тиканлари қўлларимизга санчилиб озор беради. Гўдак ҳам тупроққа тушган уруққа ўхшайди. Уни қанчалик яхши парвариш қилсангиз, натижа ҳам шунчалик яхши бўлади...

Ана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Барча оиладаги ҳар бир она ва бола соғлиғини кузатиш, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, тиббиётни аҳолига яқинлаштириш, малакали тиббий хизматдан фойдаланишларини таъминлашга қаратилган узлуксиз чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Бу кейинги йилларда яратилган алоҳида тизим самараси, десак, муболаға эмас. Чунки юртимизда она ва бола саломатлиги доимий диққат марказида бўлиб келаётган эса-да, узоқ вақт мобайнида ушбу масалага жавобгар бир неча муассасалар фаолият юритиб келди. Уларнинг ўзаро боғлиқликда фаолият юритмагани, тарқоқлиги, бундан ташқари, соҳада малакали кадрларнинг етишмаслиги, мамлакат нуфусининг муттасил ўсиб бориши каби ҳолатлар тизимдаги қатор муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган 5 та устувор йўналишнинг бири сифатида айнан ижтимоий соҳага урғу берилди. Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича кўзда тутилган кўплаб чора-тадбирлар қаторида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 18 март куни соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан ўтказган очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда ҳам мазкур масалага аҳамият бериб, соҳада йиғилиб қолган кўплаб муаммоларни қайд этди. Хусусан, аксарият туман ва шаҳарларда болалар поликлиникаси мавжуд эмаслигини таъкидлаб, бирламчи бўғинда болаларга манзилли ҳамда малакали тиббий хизматлар кўрсатилмагани учун уларни даволаш ихтисослаштирилган шифохоналар зиммасига тушаётганини урғулади.

— Аҳолининг кўплаб эътирозлари ҳам поликлиникаларда болалар учун шароит йўқлиги билан боғлиқ. Энди бу тизимни ўзгартириш вақти келди. 2022 йил 1 майдан бошлаб барча кўп тармоқли марказий поликлиникаларда болалар бўлими ташкил этилади. 17 мингдан зиёд тиббиёт бригадаларига яна қўшимча 8,5 мингта болалар ҳамшираси ва доя (акушер) штатлари берилади. Улар оналарга болаларнинг соғлом бўлиб дунёга келишидан тортиб, вояга етгунига қадар тўғри парвариш қилишни ўргатади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда белгиланган вазифалар зудлик билан ижрога йўналтирилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 апрелдаги “2022 — 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги қарорида соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган қатор чора-тадбирлар кўзда тутилди.

Хусусан, қарорга мувофиқ, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида оналар ва болалар ўртасида касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва соғломлаштириш дастурлари амалиётга жорий этилмоқда. Аёллар ўртасида соғлом фарзанд туғилиши, ривожланиши ва тарбияси масалалари бўйича тушунтириш ишлари кучайтирилди. Тўғри овқатланиш ҳамда жисмоний фаолликни ошириш тарғиб этиляпти, соғлом турмуш тарзи кўникмалари шакллантирилмоқда.

Болалар, ҳомиладор ҳамда эмизикли аёллар витамин ва минераллар билан бепул таъминланаётир ҳамда мақсадли



Акмал МУҲАММАДОВ олган сурат.

**Болалар, ҳомиладор ҳамда эмизикли аёллар витамин ва минераллар билан бепул таъминланаётир ҳамда мақсадли скрининг тадбирлари орқали касалликларнинг самарали профилактикаси олиб боriляпти. Оналар ва болалар учун тиббий хизмат кўрсатиладиган объектлар реконструкция қилиниб, мукаммал таъмирланаётир ва моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Диагностика ва даволашнинг юқори технологияли ҳамда инновацион усулларини амалиётга жорий этиш ҳамда соҳа ходимларининг илмий салоҳиятини мунтазам ошириб бориш доимий эътибор марказида.**

скрининг тадбирлари орқали касалликларнинг самарали профилактикаси олиб бориляпти. Оналар ва болалар учун тиббий хизмат кўрсатиладиган объектлар реконструкция қилиниб, мукаммал таъмирланаётир ва моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Диагностика ва даволашнинг юқори технологияли ҳамда инновацион усулларини амалиётга жорий этиш ҳамда соҳа ходимларининг илмий салоҳиятини мунтазам ошириб бориш доимий эътибор марказида.

### Энг истиқболли сармоя

Юқорида таъкидлаганимиздек, соғлом бола соғлом онадан туғилади. Шундай экан, қизларни оналикка тўғри тайёрлаш, уларни саломат қилиб ўстириш, тиббий маданиятини юксалтириш жиддий ёндашувни талаб этади.

Аслида, хотин-қизлар жисмию руҳининг соғломлигига эътибор қаратиш халқимизда қадрият даражасига кўтарилган. Оилада қиз фарзанд туғилиши билан ҳаётнинг пасту баландликларини кўрган момолар унинг тарбиясига киришган. Болага гўдаклигиданоқ юмшоқ, кенг, ипак кийимлар кийдирилган.

— Бувим ҳамиша келинларига қиз боланинг эгнида доим нимчаси бўлсин, шамоллаб қолмайди, нимча баданни иссиқ тутади, деган гапни канда қилмасди, — дейди 76 ёшли Марзия она. — Бувим уларнинг саломатлиги ўзидан соғлом зурриёт қолдиришида муҳим эканини доим уқтирарди. Шу сабаб, ёзда юпқа нимча, қишда эса пахтадан қавиқли қалин камзул кийиб юрардик. Қизларнинг сепига ана шундай кийимларнинг икки-уч хилидан қавиб солиш урф эди. Буви, момоларимиз нақадар доно бўлганини бугун чуқур англаяпмиз. Чунки об-ҳавонинг қандай бўлишидан қатъи назар, табиатан нозик яратилган аёл организми учун ҳимоя ҳамиша зарур эканини бугун илм-фан ҳам исботлаяпти.

Халқимиз азалдан ўғил болалар қатори қизларнинг ҳам жисмонан бақувват бўлиб улғайишига алоҳида эътибор қаратган. Ёш қизлар ҳам камондан ўқ отиб, от чоптира билган. Ҳатто дорбозлик билан шуғулланган. Бу ҳақда тарихимизда, миллий достон ва эртакларимизда исталганча мисоллар топиш мумкин.

Масалан, ёзувчи Пиримқул Қодиров “Ҳумоюн ва Акбар” тарихий романида Бобурий маликаларнинг чавгон ўйинига тайёргарлигини тасвирлайди. Бу от устида ўйналадиган чавгон ўйини Ўрта асрлардаёқ кенг оммалашганини кўрсатади. Мазкур қадимий ўйин орқали қизлар ҳам ўзаро куч синашган. Шу орқали уларда чапдастлик, тезкорлик, чаққонлик каби хусусиятлар шаклланган.

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли тадбирларни янги босқичга кўтаришда давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 8 сентябрдаги “Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этди.

Ҳужжатга кўра, 2023 йил 1 октябрдан бошлаб Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази, Республика “Она ва бола скрининг” маркази негизида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг 14 та ҳудудий филиали ташкил этилди.

Шунингдек, қарорда оналар ва болалар ҳамда аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари, келгуси беш йилда болаларда туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш дастури, туғуруқ комплексларида қўшимча туғуруқ ўринларини яратиш, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг туғуруқ бўлимлари негизида туманлараро перинатал марказлар ташкил этилиши каби зарурий комплекс ҳаракатлар режаси ўрин олган.

— Бу айни муддао қарор бўлди. Шу пайтга қадар ҳам тизим доирасида бажарилган ишлар оз бўлмаса-да, бироқ ягона бошқарув тизими мавжуд эмас, ҳар қайси муассаса ўзича фаолият юритар эди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бошқармаси бош мутахассиси Нодира Якубова. — Эндиликда илмий-амалий марказда синовдан ўтган хорижий тажриба ва билимлар энг қуйи бўғин “Аёллар маслаҳатхонаси”дан бошлаб татбиқ этилади. Мақсад — туғиш ёшидаги ҳеч бир аёл ҳомиладорликнинг илк давридан бошлаб, жигарбанди соғлом дунёга келгунига қадар эътибордан четда қолмаслиги, доимий тиббий кузатув остида бўлишини таъминлашдан иборат.

Дарҳақиқат, бугун бирламчи тиббий ёрдам тизимида оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида “Аёллар маслаҳатхоналари” ташкил этилган. Ҳар бир тиббий бригада таркибида алоҳида доя ҳамшираси штати ажратилган бўлиб, у ўзига бириктирилган ҳудуддаги ҳомиладор аёллар билан мунтазам мулоқот олиб боради.

Бундай тажриба жаҳон андозаларига жуда мос келади. Хусусан, қўшни Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Туркманистон мамлакатларида ҳам оилани режалаштириш, репродуктив ёшидаги аёлларни контрацептив воситалар билан қамраб олиш, хавф гуруҳига кирувчи камқонлик, саратон, юқумли касалликлар, қандли диабет ва юрак касалликларига чалинган аёлларнинг туғуруқ билан боғлиқ муаммоларини бартараф этиш чоралари бўйича қатор амалий тажрибалар қўллаб келинмоқда.

Шубҳасиз, соҳага қаратилаётган бундай эътибор, сарфланаётган маблағ, куч ва воситалар келгусида тўла ўзини оқлайди. Бу ҳақда сўз кетганда, 2022 йилда Таиландда ўтказилган саломатликни сақлашга оид халқаро конференцияда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тақдим қилган маълумот эътиборимизни тортади. Унга кўра, оилани режалаштириш учун сарфланган 1 АҚШ доллари 2030 йилга бориб, бутун дунёда 400 миллион исталмаган ҳомиладорлик, 1 миллион нафар она ўлими ҳолатлари, 6 миллион нафар гўдакнинг ўлик туғилиши ва 4 миллион нафарининг ўлим ҳолатларининг олдини олиш орқали 8,4 АҚШ доллар бўлиб қайтиб келади. Демак, оналар ва болалар саломатлиги йўлида сарфланган сармоя энг истиқболли сармоядир.

### «Икки жонни саломат сақлаш сизнинг вазифангиз, бизнинг мақсадимиз»

— Бундан олдинги икки нафар фарзандимга ҳомиладорлик пайтимда патронаж ҳамшира ора-сира ҳол-аҳвол сўраб туришини айтмаса, скрининг текширувларига ўзимиз билиб чиқишимиз керак эди, — дейди Бектемир туманидаги Иқбол маҳалласида истиқомат қилувчи Саида Мираҳмадова. — Бир муддат аввал: *“Ассалому алайкум, мен сизнинг доя ҳамширангизман, аҳволингиз қандай, ўзингизни яхши ҳис қиляпсизми? Фалон вақтда, фалон текширувдан ўтишингиз керак, ўзингизга қулай вақтга чиқинг. Соғлиғингизга бефарқ бўлманг, ахир икки жонни саломат сақлаш сизнинг вазифангиз, бизнинг — мақсадимиз”* деган йўқлов билан марказий поликлиникадан келишди. Шу-шу ҳар ойда икки-уч марта ҳолимдан хабар олиб, мендаги ўзгаришларни қайд этиб боришяпти. Бу тажриба ҳам оналар, ҳам болалар саломатлиги учун ниҳоятда зарур, деб ўйлайман. Тиббий ходимнинг ҳамиша ёрдамга шай туриши турли нохуш ҳолатларнинг олдини олишга катта ёрдам бериши, шубҳасиз.

Нодира Якубованинг қўшимча қилишича, барча кўп тармоқли марказий поликлиникаларда 8 минг 500 та болалар ҳамшираси ва доя (акушер) штатлари жорий этилиши оилани режалаштириш, она ва бола саломатлигини самарали муҳофазалаш учун хизмат қилмоқда. Бугунги кунда уларнинг билим ва тажрибаларини муттасил ошириб боришга ҳам эътибор бериляпти.

— 2023 йилнинг ноябрь ойидан дояликка танлаб олинган 900 нафар тиббиёт ходими ҳамда 45 нафар тренерни Туркия ва Беларуснинг етакчи мутахассисларини жалб этган ҳолда ўқитиш бошланди. Босқичма-босқич барча доя ўқитилиб, талаб даражасида малакаси оширилади, — дейди Н. Якубова.

Шунингдек, ҳомиланинг биринчи уч ойлигида оммавий тарзда ультратовуш текшируви туманлар ва шаҳарлар миқёсида 209 та “Перинатал скрининг хонаси”, кўп тармоқли марказий поликлиникаларнинг “Аёллар маслаҳатхонаси” таркибида “Онко-назорат” хоналари ташкил этилди. Уларда 35 — 55 ёшдаги аёллар ҳар уч йилда бир марта бачадон бўйни саратони ҳамда 45 — 65 ёшдаги аёллар ҳар икки йилда бир марта кўкрак бези саратонини эрта аниқлаш бўйича скрининг текширувларидан ўтказилади. Бу хавфли ўсма касаллигини эрта босқичда аниқлаш ва ундан асоратларсиз халос бўлиш имконини беради.

Улуғ мутафаккир Абу Наср Форобий никоҳ, хусусан, оилага маънавий қадрият сифатида қарайди. Фозил шаҳарни барпо қилиш учун фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди. Демак, бунда соғлом фикрлайдиган оналар зарур. Уларнинг жисмоний ва маънавий соғломлиги оиланинг тинчлиги, ижтимоий, иқтисодий барқарорлиги ҳамда жамиятдаги мавқеини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, онанинг саломатлигига кўрсатилаётган ғамхўрлик мамлакатимиз бугуни ва эртасига берилаётган эътибордир.

### Эл соғлиғи — юрт бойлиги

“Бола соғлиғи — она бойлиги”, “Эл соғлиғи — юрт бойлиги” деган пурмаъно нақллар ҳаётимизга чуқур сингиб бормоқда. Зотан, мамлакатимиз келажагига дахлдор “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам айни шу йўналишда муҳим чора-тадбирлар кўзда тутилган.

“Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастури доирасида хотин-қизларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш вазифалари алоҳида белгилаб қўйилди.

Президентимиз нутқида қайд этганидек, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, мураккаб жарроҳлик операцияси ўтказишга муҳтож 2 минг нафар хотин-қиз Давлат бюджети ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан даволанади.

Шу билан бирга, 1 миллион нафар ҳомиладор аёл ҳамда 1 миллион 500 минг нафар эмизикли она йод препарати, репродуктив ёшдаги қарийб 6 миллион нафар аёллар темир ва фолий кислотаси билан бепул таъминланади.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган 3 минг нафар аёл учун мураккаб тиббий операциялар бепул ўтказилади.

Юртимизда “Қизлар академияси” платформаси яратилиб, 100 минг нафар опа-синглимизга молиявий, ҳуқуқий, психологик, репродуктив билим бериш йўлга қўйилади.

Шунингдек, жорий йилда 9,8 миллион нафар болада онкогематологик касалликларни, 900 минг нафар чақалоқни туғма гипотиреоз, фенилкетонурия касалликларини аниқлаш бўйича неонатал скринингдан ўтказиш, 6 хил хавф гуруҳига кирувчи 15 минг нафар чақалоқ ва болани текширувдан ўтказиш мақсад қилинган. Қолаверса, барча туғуруқ муассасаларида янги туғилган чақалоқларнинг эшитиш қобилиятини аниқлаш бўйича аудиоскринингдан ўтказиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, 6 — 23 ойлик бўлган жами 1,2 миллион нафар болани микронутриент кукуни билан, 6,5 миллион нафар 2 — 10 ёшдаги болани гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар билан бепул озиқлантириш режалаштирилган.

Кўрилаётган чора-тадбирлар ўз натижасини бермоқда. Оналар ўлими кўрсаткичи 2017 йилда 21 промиллени ташкил этган бўлса, 2022 йил ва 2023 йилда 14,0 промиллен кўрсаткичида бўлиб, ўзгармай келмоқда. Аммо шугина рақамнинг ўзи ҳам ҳали қилинажак ишлар кўп эканини намоён этади. Бунинг учун эса соҳа мутасаддилари масъулиятни янада жиддий ҳис қилиши, тинимсиз ишлаши зарур. Чунки олиб борилаётган тушунтириш тадбирларига қарамай аёллар орасида кутилмаган ҳомиладорлик, кетма-кет фарзандли бўлиш, контрацептив воситалардан фойдаланмаслик каби ҳолатлар учраб турибди.

— Қабулимизда бўлган туғиш ёшидаги ҳар бир аёлга фарзанд дунёга келтирган она организми камида уч йил мобайнида ўзини қайта тиклайди, деб бот-бот таъкидлаймиз, — дейди Шайхонтоҳур тумани 42-оилавий поликлиниканинг умумий амалиёт шифокори Мадина Чориева. — Ачинарлиси, айрим қайнона ва оналарнинг “Ёшлигингда туғиб ол, бирдан катта қилиб оласан”, “Биз уч йилда уч болали бўлиб, ҳаммасини эплаганмиз, сен ҳам эплайсан” қабилидаги “маслаҳатлари” ҳали эндигина катта ҳаёт бўсағасида турган келинларга икки ҳисса оғирлик юклаб қўяди. Ўзингиз ўйланг, витаминларга, керакли озуқаларга тўйинмаган вужуддан қандай қилиб соғлом бола кутиш мумкин?! Шу боис аҳоли, айниқса, туғиш ёшидаги аёллар орасида тиббий маданиятни ошириш бўйича бажариладиган ишлар бисёр.

Президент раислигида 5 февраль куни ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам оналар ва гўдаклар ўлимининг олдини олиш масаласига алоҳида урғу берилгани бежиз эмас. Бинобарин, бу борадаги ишлар халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши, оилалардаги муҳитнинг барқарорлиги, юртдошларимизнинг ўзини бахтли ҳис қилишида муҳим ўрин тутади. Шундай экан, давлатимиз раҳбари урғу берганидек, **ҳар бир она ва бола ўлими “фавқулодда ҳолат” деб баҳоланади ва сўров шунга яраша бўлади.**

Мухтасар айтганда, аёл ҳаётнинг давомчиси, умримизнинг, хонадонларимизнинг файзу фариштасидир. Уларнинг гулдек очилиб, соғомон, фарзандларини оқ ювиб-оқ тараб, ҳаётни нурга тўлдириб юришлари учун мамлакатимизда барча чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Зеро, Президентимиз Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, инсон қадрини улуғлаш, аввало, азизу мукаррама аёлларимизни улуғлашдан бошланади.

**Наргиза ЮНУСОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

---

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

## ЙЎЛБЎЙИ ИНШООТЛАРИ ҚУРИЛМОҚДА

*Ғузор — Қарши — Бухоро — Нукус — Бейнов халқаро автомобиль йўли Қашқадарё вилоятининг асосий йўлакларидан бири ҳисобланади ва бу йўлдан ҳар куни ўртача 25 — 30 минг йўловчи қатнайди. Авваллари бу йўлнинг Муборак тумани ҳудудидан ўтишда йўловчилар кўз ўнгида поёнсиз қум барханлари намоён бўларди. Эндиликда эса ана шу йўлнинг Муборак шаҳрини ёнлаб ўтувчи 15-километр қисмида замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилмоқда.*

— Туманимиз ҳудудидан халқаро аҳамиятли йўлнинг ўтгани унинг бўйида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда қулай омилдир, — дейди Муборак тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафаров. — Шундан келиб чиқиб, ўтган йили ушбу ҳудудда савдо, овқатланиш шохобчалари, автомобилларга хизмат кўрсатиш каби 40 та лойиҳани амалга оширишга киришдик. Йўлнинг икки томони бўйлаб тадбиркорларга ер ажратиб берилди. Айни вақтга қадар бир нечта тадбиркорлар сервис ва савдо шохобчаларини ишга туширди.

Маълумки, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос қадрият ва анъаналари, ишлаб чиқарадиган ёки етиштирадиган маҳсулотлари, анъанавий таомлари мавжуд. Муборак туманида ҳам йўл бўйида савдо ва овқатланиш шохобчаларини қуриш, жиҳозлашда ана шу жиҳатга эътибор қаратилмоқда.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## МАҲСУЛОТНИНГ ТЕНГ ЯРМИ ЭКСПОРТ ҚИЛИНЯПТИ

*Андижон туманида фаолият олиб борувчи “Texno innovator” МЧЖда чиқиндини қайта ишлаш орқали сифатли хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда тайёрланган гул тувагидан тортиб стол-стул, ихчам мебелларнинг қўшни мамлакатларда ҳам ўз харидорлари бор.*

— Ҳозирда 200 га яқин турдаги пластмасса маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди корхона менежери Шоҳрух Мирзаев. — Ўтган йили 15 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрладик ва унинг тенг ярмини Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистонга экспорт қилдик. Бундан ташқари, Андижон вилоятидаги автомобилсозликка ихтисослаштирилган “Климат контроль” МЧЖ, “GM-Ўзбекистон”, “Ўз Донг Янг Ко” сингари қўшма корхоналарга пластмассадан иборат эҳтиёт қисмлар етказиб бермоқдамиз.

Корхона илк ташкил топган кезларда атиги 2 та дастгоҳ ва 5 нафар ишчи ёрдамида қутилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Айни пайтга келиб 90 нафар ишчи томонидан бир кунда 100 тонна хомашёни қайта ишлаш имконияти яратилди.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жамоаси комиссия Котибиятининг Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи
**Азизжон НУРМУҲАММЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 18 433 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.58 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6